

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг матбуот учун қўшма баёноти



2022 йил 28 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель учрашув ўтказдилар.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган музокаралар чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Шарль Мишель кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани ва кенг кўламли тус олганини тасдиқладилар.

Томонлар Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни ва ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини олқишладилар.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларга янги суръат бағишлаш ва уларни янада чуқурлаштириш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олинди.

Икки томонлама ва ҳудудлараро ҳамкорлик учун яратилган қўшма механизмлар сермаҳсул ишлаётгани ижобий баҳоланди. Уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлик билдирилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсон капитали йўналишларидаги масалаларнинг кенг доираси бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланганини олқишладилар.

Президентлар ушбу муҳим ҳужжат имкон қадар тез фурсатда имзоланиши ва ратификация қилинишига умид билдирдилар.

Томонлар халқаро ишларда ва икки томонлама муносабатларда БМТ Устави ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф қилинган нормаларига қатъий риоя қилишларини, ҳамкорликни тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро англашув ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойиллари асосида қўллаб-қувватлашлари ва ривожлантиришларини таъкидладилар.

Евроиттифоқ томони Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини, улар барқарор бўлиши ва ортга қайтмаслигига умид билдирди.

Президентлар инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги соҳасидаги конструктив мулоқот ва фаол ҳамкорликни юксак баҳоладилар. Ўзбекистон ва ЕИнинг бу борадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам кўмаклашишга томонлар қатъий интиладилар.

Европа кенгаши Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибори ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади ҳамда ЕИ ушбу соҳалардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмакни давом эттиришга тайёрлигини билдирди. Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ҳурмат қилиш муҳимлигини қайд этди.

ЕИ компанияларидан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар, энг янги технологиялар, илғор тажриба ва юксак стандартларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасида иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини олқишладилар. Ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга “GSP+” тизимининг бенефициар мамлакати мақоми берилиб, ўзбек маҳсулотларининг кенг номенклатураси ЕИ мамлакатларига божсиз етказиб берилишига имконият яратилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Томонлар ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси бажарилишини жадаллаштириш мақсадида биргаликда чора кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар ҳамда 2022 йил 18 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида “ЕИ – Марказий Осиё” форматида ўзаро боғлиқлик бўйича “Барқарор тараққиёт учун “Глобал дарвоза” конференциясининг ўтказилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони конференцияда ҳамкорликнинг устувор соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилинишини таклиф этишга тайёр.

Барқарор транспорт йўлакларини яратиш, шу жумладан Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш ўзаро савдони кўпайтириш учун тизимли омил сифатида белгиланди.

Президентлар портларнинг қувватларини кенгайтириш, паром ва темир йўл паркларини кенгайтириш, божхона тартиб-таомилларини уйғунлаштириш, юклар билан ишлаш ва чегаралардан ўтиш учун рақамли ечимларни жорий қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш ЕИнинг “Глобал дарвоза” ташаббуси мақсад ва вазифаларига тўлиқ мосдир.

Ўзбекистон томони ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган “Термиз – Мозори-Шариф – Кобул - Пешовар” темир йўлини қуриш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон томони хорижий, шу жумладан ЕИ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишга тайёрлигини билдирди.

Томонлар Ўзбекистон учун 2021-2027 йилларга мўлжалланган ЕИнинг молиявий-техник кўмагига доир кўп йиллик индикатив дастури тасдиқлангани ва амалга оширилиши бошланганини олқишладилар.

Улар рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт, энергетик самарадорлик ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд салмоқли салоҳиятдан фойдаланиш, шу жумладан Европанинг илғор тажрибасини жорий қилиш ва ушбу соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистоннинг сув-экология масалалари, шу жумладан БМТнинг Оробўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасини ташкил этиш борасидаги ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Евроиттифоққа миннатдорлик билдирилди. Унинг фаолиятини давом эттириш муҳимлиги борасида томонларнинг фикри яқдил.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни, шу жумладан “Erasmus+” ва “Horizon Europe” дастурлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда чуқурлаштириш муҳим экани таъкидланди. Томонлар касбий таълим бўйича “DARYA” биринчи минтақавий лойиҳанинг амалга оширилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони 2023 йилда Ўзбекистонда “ЕИ – Марказий Осиё” биринчи туризм форумини ўтказишни таклиф қилди.

Минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, Афғонистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка сурункали таҳдидлар манбаига айланишига йўл қўймаслик зарурлиги қайд этилди.

Қиш даврида яқинлашиб келаётган гуманитар фалокатнинг олдини олиш, жумладан, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш хавотир уйғотаётган биринчи галдаги масала сифатида қайд этди.

Томонларнинг ўзаро мажбуриятларини бажариш алгоритминини тезда келишиш мақсадида Ўзбекистон томони ўзининг Афғонистон муваққат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун халқаро гуруҳ тузиш ташаббусини алоҳида қайд этди.

Узоқ муддатли барқарорликка эришиш учун Афғонистонда инклюзив сиёсий жараённи ҳамда инсон, шу жумладан хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш зарурлиги юзасидан муштарак фикрлар билдирилди.

Яқунда Президентлар Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги очиқ ва конструктив мулоқотни ва шерикликликни мустаҳкамлашга, шунингдек, Марказий Осиёни тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақасига айлантириш мақсадида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига риоя қилиш принциплари асосида минтақавий кооперация ва ўзаро боғлиқликни янада кенгайтиришга кўмаклашишга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.



Манба